Аудиторская организация в форме общество с ограниченной ответственностью

GRANIT AUDIT

Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi auditorlik tashkiloti

100015, г.Ташкент, ул.Нукусская, д.77, тел: (+99890) 937-55-10, (+99893) 539-59-47, (371) 255-81-85,
р/с: 20208000000233778001 в ОПЕРУ ОАКБ «Микрокредитбанк», МФО: 00433 ИНН: 207185836,
ОКЭД:69202, факс: (371) 255-81-85, e-mail: granitaudit@mail.ru

Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

МЧЖ «GRANIT AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 10.06.2013й. 1097-сон билан рўйхатдан ўтган, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун АФ № 00731-сон лицензия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 22.01.2014 йидда берилган) Тошкент шахар Нукус кўчаси 77 уйда жойлашган. телефон (+99890) 937 55 10, (371) 255 81 85, х/р 20208000000233778001 АТБ «Микрокредитбанк» бош офиси, МФО 00433, инн 207185836, e-mail: granitaudit@mail.ru

Аудиторлик ташкилотининг аудитори Хўжаев Бахтиёр Одилхонович (аудитор малака сертификати № 04740 Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан 14.07.2014 йилда берилган) томонидан «Кува дехкон бозори» Акциядорлик жамиятининг 1 .«Бухгалтерия баланси» №1, 2. «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» №2-шакл, 3. Кува туман ДСИга топширилган давлат бюджетига соликлар ва мажбурий ажратмалар бўйича хисоботлар нусхаси ва бошка бирламчи хужжатлардан иборат.

2017 йил 01 январдан 2017 йил 31 декабргача холатидаги молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги.

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотини жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилотини жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. «Кува дехкон бозори» Акциядорлик жамиятининг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширишдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерии хисоби тўгрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувни Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текуширувни ва ўтказишни режалаштиришни Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини

ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўгрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи **«Кува дехкон бозори» Акциядорлик жамиятининг** 2017 йил 31 декабр холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий - хўжалик фаолияти натижаларини хаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖ «GRANIT AUDIT» аудиторлик

Ташкилоти директори: Б. О. Хўжаев

Аудитор: Б. О. Хўжаев

Сана 16.02.2018 йил